



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI  
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI  
SIRDARYO VILOYATI FILIALI**

Manzil: 120100, Guliston shahar, Birlashgan ko'chasi, 10-uy, Tel: 67-225-06-39

**DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI  
XULOSASI**

**TARTIB RAQAM 01-02/09-98**

**HUJJAT TURI** Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza loyihasi

**Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: SOF AGRO UNIVERSAL MCHJga berildi.**

**STIR: 306502184**

**Obyekt nomi:** Сирдарё вилояти Гулистан тумани Мевазор маҳалласи ҳудудида “SOF AGRO UNIVERSAL” масъулияти чекланган жамияти томонидан иссиқхона фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф мухитга таъсири тўғрисидаги ариза” лойиҳаси.

**Loyihalarini ishlab chiquvchi nomi: NATURE OFFICE PROJECT MASULIYATI  
CHEKLANGAN JAMIYAT**

**STIR: 310467687**

**Davlat ekologik ekspertizasi mas'ul eksperti: QARSHIBAYEV MIRKOMIL GULMIRAT  
O'G'LII**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti **atrof-muhitga ta'sir ko'rsatishning III toifa toifasining 52-bandiga mansub**.

O'tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi:

**Berilgan sana: 13.04.2024**

**Amal qilish muddati: 13.04.2027**

*Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nuqtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo'lgan talablar va boshqalar to'g'risida ilovada keltirilgan O'zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.*

*Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rivoja etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.*

Direktor



E.Qorayev

## **Davlat ekologik ekspertizasi natijalari bo'yicha Ekspert xulosasi talablari**

**"SOF AGRO UNIVERSAL" масъулияти чекланган жамияти томонидан қуйидагилар таъминланиши керак бўлади:**

- атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларни самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар билан таъминлаш (2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863);
- чиқиндиларни белгиланган жойларда мувофиқ ҳавфсиз равишда вақтинча сақлаш доимий мониторингини олиб бориш ва ортиқча чиқиндиларнинг жойлаштирилишини олдини олиш;
- маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш маҳсус пунктларда ташкил этиш, уларни тури бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва “Тоза худуд” ДУК билан шартнома асосида олиб чиқиш;
- раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги остида корхонанинг ҳавфсиз ишлиши бўйича технологик кўрсатмалар талабларини бажариш ва ходимлар учун ҳавфсиз шароитларни яратиб бериш, ходимлар ва аҳолига зарарли таъсирини олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш;
- қайта тикланадиган энергия манбааларини ва ресурсларни тежайдиган ускуналардан фойдаланиш, ҳавфлилик даражаси пастроқ бўлган энергия тежайдиган ёритгичлардан фойдаланиш, фотоэлектрик камералар ёрдамида ички ёритишни ташкил этиш;
- оқава сувларни очиқ сув ҳавзалари ва ирригация тармоқларига ташлаш қатъиян маън этилсин;
- мазкур обьектни ушбу танланган ер майдонига жойлаштиришда, унинг атрофидан ўтган мухандислик (газ, йўл, сув, электр, алоқа ва бошқалар) тармоқларининг муҳофаза минтақаларини сақлаши;
- ер ости заҳираларини нефт маҳсулотидан ифлосланишига йўл қўймаслик учун автомобил турар жойлари, кириш-чиқиш йўллари ер майдони кучли химояланган маҳсус бетон тўшама билан қоплансин;
- майший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун маҳсус пунктларни ташкил этиш (стандарт бўйича), уларни хили бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва уларни олиб чиқиш бўйича ихтисослашган санитария компаниялари билан шартнома тузиш лозим бўлади;
- чиқиндиларнинг ҳавфсиз шарт-шароитда тўпланиши, сақлаш майдонида экологик меъёрдан ошиқ жойлаштирилмаслиги, ўз вақтида утилизация қилинишини доимий назоратда тутиш;

- чиқиндиларни хавфлилик даражаси ва турига қараб ажратган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлашга мўлжалланган маҳсус пункт (МСП) ташкил этиш ҳамда қаттиқ қопламали майдончаларда зарур микдордаги қопқокли контейнерлар ўрнатиш;
- қайта тикланадиган энергия манбаларини ва ресурс тежамкор технология ва ускуналардан фойдаланиш;
- санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхона билан тузилган шартномага биноан майший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш;
- чиқиндилар микдорини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш;
- ошхона фаолиятида ҳосил бўладиган оқава сувлар учун ёғ ушлагич талаб даражасида ўрнатилсин;
- ҳудудни комплекс ободонлаштириш, дараҳтлар экиб “Яшил макон” барпо қилиш, яшил майдонларни мунтазам суғориш ва агротехник парваришлаш;
- бино ва иншоотларни жойлаштириш жараёни (қурилиш)да СанҚвам-0350-2017-сонли санитария норма ва қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли “Майший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан тасдиқланган 1-иловаси “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”га мувофиқ чиқиндиларни бошқаришни ташкил этиш. Бунда мазкур қоидаларнинг 4-боби “Чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш”, 5-боби “Чиқинди тўплаш шохобчаларини контейнерлар билан таъминлаш”, 10-боби “Ўсимликлардан ҳосил бўладиган чиқиндиларни тозалашда, шунингдек, дараҳт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришда ҳосил бўладиган чиқиндилар”, 13-боби “Қаттиқ майший чиқиндиларни алоҳида тўплаш ва олиб чиқиб кетиш” талабларинига алоҳида аҳамият берилсин ҳамда майдонча ва чиқинди контейнерларини ювиш ва дезинфекция қилиш ўрнатилган тартибда ва муддатларда амалга оширилиши таъминлансин. Ҳудудда ҚМЧ билан ифлосланишнинг олдини олиш мақсадида ҚМЧ тўплаш контейнерлари ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган маҳсус чиқинди кутилари кириш (чиқиш) ўйлида 1-2 та бир биридан 10 метрдан узоқ бўлмаган масофада ўрнатилсин.

**Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги ҳамда лойиҳага хаққоний маълумотлар берилмаслигига корхона раҳбари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорининг 2-илова, 3-боб, 23-бандига

мувофиқ, объект фойлаланишга қабул қилингунига қадар бажариладиган ва лойиҳалаштирилаётган обьектнинг атроф муҳитга таъсир қўрсатишнинг якунловчи босқичи ҳисобланган “**Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот**” (**ЭОТБ**) экологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқишилари ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда “Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси Сирдарё вилояти филиалига тақдим этишилари керак.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига биноан, ушбу обьектнинг экологик талабларга мувофиқлиги хусусида, давлат экологик экспертизасининг берган хulosаси, берилган кундан ётиборан **3 йил мобайнида юридик кучга эга ҳисобланади**.

## НАЗОРАТ УЧУН

Сирдарё вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг Гулистон тумани инспекциясига, “SOF AGRO UNIVERSAL” масъулияти чекланган жамияти томонидан экологик қонунлари ва меъёрларига риоя этилиши ҳамда хulosада қўрсатилган талаблар бажарилиши устидан мунтазам назорат ҳамда обьектни ишга туширишдан олдин ЭОТБ лойиҳасини ишлаб чиқилишини назоратга олиши юклатилади.

Атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг якуний босқичи “**Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот**” (**ЭОТБ**) лойиҳаси тасдиқланмагунча обьект иш фаолиятига йўл қўйилмасин.



Ma'sul ekspert: QARSHIBAYEV MIRKOMIL GULMIRAT O'G'LI

## Obyekt haqida qisqacha ma'lumot

“Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси Сирдарё вилояти филиалига, Гулистан тумани Мевазор маҳалласи ҳудудида “SOF AGRO UNIVERSAL” масъулияти чекланган жамияти томонидан иссиқхона фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф мұхитта таъсири тұғрисидаги ариза” лойиҳаси күриб чиқиши учун тақдим этилди.

Тақдим этилган материалларни күриб чиқиб, “Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси Сирдарё вилояти филиали куйидагиларни таъкидлайди.

Лойиҳа хужжатига Ер тузиш ва күчмас мулк давлат кадастри Гулистан тумани филиали томонидан нотурар жой тоифасидаги күчмас мулк обьектининг кадастр паспорти илова қилинганды (УК-1724220/849403 13.08.2021).

Объект жойлашган ҳудуднинг физик-географик ва иқлим ҳолати хусусиятлари ҳақида маълумот “Атроф-мұхитта таъсири тұғрисидаги ариза” лойиҳасининг 1-бўлимида тўлиқ келтирилган. Мазкур минтақада сизот сувлари ер сатҳидан 5,0-6,0 метр чуқурликда жойлашган. Объектга яқин ҳудудда ер устидан оқиб ўтувчи сув оқими ички коллектор бўлиб 20 метр узоқликда шарқ томонда оқиб ўтади. Объект ҳудуди чегарасида ўсимлик дунёси мавжуд бўлиб ташкил этиш даврида зарар келтирилмайди.

Объект жойлашган ҳудудда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига таъсир қиласиган асосий манбаларга автотранспорт воситалари обьектлари киради. Улардан атмосфера ҳавосига норганик чанг, углерод оксида, азот оксида, углеводородлар ва ёқилғи ёниш маҳсулотлари ташламалари чиқарилади.

Объект учун ишлаб чиқилган вазиятли режада кўрсатилган координата маълумотлари “Google Earth Pro” дастури орқали кўздан кечирилганда, куйидагича белгиланган:

1) 40.500295 ШК 68.819860 ШУ; 2) 40.500227 ШК 68.820574 ШУ; 3) 40.498801 ШК 68.820396 ШУ; 4) 40.498738 ШК 68.819700 шаркий узунликда жойлашган бўлиб, шимол, шарқ ва ғарб томонлардан қишлоқ хўжалиги ер майдонлари билан, жануб томондан ички йўл билан чегараланган. Энг яқин аҳоли турар-жой уйлари обьект чегарасидан 26 метр масофада жануб томонда жойлашган.

Объектнинг умумий ер майдони  $10000,0 \text{ м}^2$  бўлиб, шундан иссиқхона остидаги майдон  $9000,0 \text{ м}^2$  ни, кўмир учун бостирма  $50 \text{ м}^2$  ни, саралаш учун бостирма  $25 \text{ м}^2$  ни, қозонхона  $60 \text{ м}^2$  ни, сув сифими майдони  $50 \text{ м}^2$  ни, қаттиқ ер майдони  $500,0 \text{ м}^2$  ни ва яшил ер майдони  $315 \text{ м}^2$  ни ташкил этади.

Иссиқхонада фаолияти юритадиган ходимларнинг умумий сони – 10 кишидан иборат. Объектнинг лойиҳалаштирилган иш тартиби – йилига 365 кундан иборат бўлиб, кунига 1 смена, 8 соатдан бўлиши белгиланган. Иссиқхона

фаолиятида йилига 100 тонна помидор маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган.

Иссиқхонани иситиш учун бир дона қозонхона ўрнатилган бўлиб, кўмир маҳсулоти ёрдамида иситилади. Қозонхона ишлаши натижасида атмосфера ҳавосига кўмир чанги, қурум, углерод оксиди, азот оксиди, азот диоксиди, олtingугурт ангидриди ташламалари ташланиши кузатилади.

Иссиқхонада атмосфера ҳавосига заарли моддалар ташламаларининг турғун манбалар сони 3 та бўлиб (қозонхона; кўмирни тушириш; кўмирни сақлаш) улардан атмосфера ҳавосига 6 турдаги ифлослантирувчи моддалар – 2,621706 тн/йил миқдорда ташланиши кузатилади. Атмосфера ҳавосини ифлосланишига ҳисса қўшадиган моддалар: азот оксиди – 0,0289 тн/йил ҳавфлилик синфи 3; кўмир чанги – 0,15359 тн/йил ҳавфлилик синфи 3; углерод оксиди – 1,15843 тн/йил ҳавфлилик синфи 4; азот диоксиди – 0,083616 тн/йил ҳавфлилик синфи 2; олtingугурт ангидриди – 1,17 тн/йил ҳавфлилик синфи 3, қурум – 0,02717 тн/йил ҳавфлилик синфи 3.

Атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг ер устки қатламидаги максимал концентрацияларининг ёйилиши лойиҳада ҳисобланганда, ифлослантирувчи модда ташламаларининг ер усти ёйилиши концентрацияси корхона чегара худудида улар учун ўрнатилган меъёр (квота) даражасидан ошмаслиги аниқланди.

Объектда хўжалик-ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлар учун сув манбаси сифатида туман сув таъминотига уланган. Иссиқхонани суғориш учун сув манбаси сифатида мавжуд ариқдан фойдаланилади. Иссиқхона томчилатиб суғориш тизимида амалга оширилади. Лойиҳада келтирилган маълумотларга кўра, хўжалик-ичимлик, майший-хўжалик ва суғориш эҳтиёжлари учун объект бўйича умумий йиллик сув сарфи – 48,399 м<sup>3</sup> қунига, йилига эса – 17080,48 минг м<sup>3</sup>/йилни ташкил қиласди.

Ҳосил бўладиган хўжалик-маиший оқова сувлар (йилига 324,48 м<sup>3</sup>) хандақда йигилиб сўнг маҳсус ассенизатор машиналарида олиб кетилади.

Иссиқхонада ҳосил бўладиган оқова сувлар, очик сув ҳавзалари ва жой рельефига оқизиб юбориш лойиҳа ҳужжатида назарда тутилмаган. Ёғингарчилик сувлари объект худудидан ташқаридаги ирригация тармоқларига йўналтирилиб оқизилиши кўзда тутилган.

Объектнинг фаолияти даврида 15 турдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлиб, уларнинг умумий миқдори йилига – 125,1737 тоннани ташкил этади ва улар қуйидагилардан иборат:

- 1) хоналарни тозалашда ҳосил бўладиган майший чиқиндилар – 0,18 тн/йил (IV синфга мансуб) лак бўёқ ишлаб чиқарувчига қайтарилади;
- 2) қартон қоғоз чиқиндиси – 0,18 тн/йил (V синфга мансуб) қоғозни қабул қилиш пунктига топширилади;
- 3) яроқсиз светодиодли чироқлар – 0,0135 тн/йил (IV синфга мансуб) чиқинди полигонига олиб кетилади;

- 4) яроқсиз ёндириш лампа чироқлар – 0,0292 тн/йил (V синфга мансуб) чиқинди полигонига олиб кетилади;
- 5) яроқсиз мато чиқиндилари – 0,021 тн/йил (IV синфга мансуб) утилизация қилинади;
- 6) озиқ-овқат чиқиндилари – 1,2 тн/йил (V синфга мансуб) уй-хайвонларига озуқа сифатида олиб кетилади;
- 7) барглар ва илдиз поя чиқиндилари – 58,5 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 8) полипропилен қоп чиқиндилари – 0,8 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 9) полиэтилен плёнка чиқиндилари – 0,49 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 10) полиэтилен қоп чиқиндилари – 0,01 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 11) кўмир кули чиқиндиси – 45,5 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 12) кўмир қуруми чиқиндиси – 5,4 тн/йил (IV синфга мансуб) метални қабул қилиш пунктiga топширилади;
- 13) қаттиқ ер майдонини тозалашда ҳосил бўладиган супуринди чиқиндилар – 2,75 тн/йил (IV синфга мансуб) шартномага асосан чиқинди полигонига олиб кетилади;
- 14) яшил ер майдонини тозалашда ҳосил бўладиган супуринди чиқиндилар – 9,6 тн/йил (V синфга мансуб) уй хайвонларига озуқа сифатида берилади;
- 15) қаттиқ майший чиқиндилар – 0,5 тн/йил (IV синфга мансуб) худуддаги контейнерларда сақланиб шартномага асосан чиқинди полигонга олиб кетилади.

Барча чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқишининг белгиланган шартлари бажарилганда атроф-муҳитга зарар келтирмайди.

Лойиҳа ҳужжатида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар, ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнғин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Экологик экспертизасининг таҳлилий натижаларига кўра, тақдим қилинган “Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёноти” лойиҳа ҳужжатлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги қонуни, Низом ҳамда қонуности экологик меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

“Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси Сирдарё вилояти филиали, Гулистон тумани Мевазор маҳалласи худудида “SOF AGRO UNIVERSAL” масъулияти чекланган жамияти томонидан иссиқхона фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги ариза” лойиҳасини **маъқуллайди**.



Ma'sul ekspert: QARSHIBAYEV MIRKOMIL GULMIRAT O'G'LII